

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги, айниқса, Чиноз тумани газ, электр, сув таъминоти идоралари ходимлари учун қўш байрамга айланган бўлиди. Чунки уларга ҳам намунали лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлар насиб этди.

Яллама қишлоғи Охунбоев даҳасидаги 38 та уй қурилиши якунига етай деб қолди. Вилоят "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси бурюртмасига асосан А. Худойбергано раҳбарлигидаги 33-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари 14 та уйни қуриб битказишмоқда. 5 йилдан буён Чиноз туманида намунали уйлар қуриш билан бандмиз, дейди кўчма колонна иш юритувчиси Ботир Исмаилов. Ҳозирги кунга қадар салкам 90 та уйнинг қалитларини эгаларига топширдик. Ишимизни ақунлаб, хонадон эгалари кўчиб қиришаётгандаги хурсандчиликларни бир курсангиз эди! Бундай вақтларда меҳнатларимизнинг машаққати ва заҳмати унутилмади. Уларнинг истагидан-да зиёда уйлар қуриб берганимиз учун ёши улуг отахон ва онахонларимиз дуо қили-



Ифтихор

## АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

Ҳаётимизнинг энг бахтли, энг сурурли дамлари яна кўнгилларни шод, қалбларни обод этмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг навқирон ёши – 22 йиллигини ҳам кутиб оляпмиз.

Узоққа бормаёлик, яқин 10 йил ичидаги ўзгаришларнинг ўзиёқ кишини дол қолдириб, ақлни шошириб қўяди. Бугун биз эришган ютуқларимиз, келгусидаги залворли режаларимиз ҳақида ғурур билан, ифтихор билан сўзлашга ҳақимиз. Зеро, вилоятимиз ахли, хусусан хотин-қизларнинг улкан тараққиёт жараёнида муносиб ўрни, салмоқли ҳиссаси бор. 2 миллион 610 мингга яқин аҳолининг ярмидан кўпроги аёллар. Уларнинг она-Ватан, эл-юрт олдида юзлари ёруғ. Хотин-қизларнинг сайёҳаракати, фидокорона меҳнатини шаҳар ва туманларимизнинг гўзал қиёфасида, ҳар томонлама етуқ, жисмонан соғлом, баркамол ўғил-қизлар сиймосида, обод кўчалар, серфайз хонадонлар, бахтли, соғлом, мустаҳкам оилалар тимсолида қўриб турибмиз.

Эътироф этиш керак, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва маъқеини ошириш, уларнинг иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, оиланинг ҳуқуқий асосларини яратишга Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оила, хотин-қизлар ва болалар масалаларига тааллуқли 70 га яқин жорий қонунлар, 20 га яқин Президент Фармонлари, фармойишлари, 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлаган ҳолда айтиш мумкин, мамлакатимиз раҳбарининг: "Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмаёлик – бу давлат ва аёллар қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўлади-ми, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўлади-ми – уларнинг ривожини ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч қандай бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга опа-сингилларимиз катта ҳисса қўшаётгани катта кўп гапириш мумкин" деган сўзлари айнан бизнинг вилоят аёллари ҳақида бўлса, не ажаб. Ахир 4 нафар фан доктори, 81 нафар номзоди, тадбиркорлик рўйхатида ўтган 5255 аёл, ўзини ўзи бошқариш органларининг 1177 нафар, хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг 3322 нафар раислари, мактаб, боғча, ҚВП, олий ўқув юрталарини бошқараётган юзлаб аёлларимиз билан фахрланмай бўладим!

Қисқаси, хотин-қизлар, аёллар ҳақида гап борганда, аввало, уларнинг меҳр-оқибатлари, садоқат, мурувват каби фазилатлари қаторида тадбиркор-оила ҳам, жамиятда ҳам удли-шудли бўлиб, халқона айтганда ози кўпайтириб, кут-баракат киритувчи оқила, олижаноб дея таъриф берилади. Бунинг замирида ғайрат, шижоат, ишчанлик каби хислатлар ётади. Бундай аёлларимиз ҳар бир шаҳар ва туманимизда кўплаб топилади. Ўтган йилларда тадбиркор аёлларимизга барча манбалар ҳисобидан 22 миллиард сўмдан зиёд кредит берилди. "Оилавий тадбиркорлик - жамият тараққиётининг пойдевори" мавзусида ўтказилган семинарлар натижасида тадбиркорларимиз сафи янада кенгаймоқда. Тикувчилик, маиший хизмат, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чорвачилик билан шуғулланиш истагидаги 411 аёлга 5 миллиард 696 миллион 68 минг сўм, 356 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларига 2 711,65 миллион сўмлик кредит бериладиган бўлди. Мақсад – хотин-қизларни, бўлгуси оналар, хонадон бекаларини бандликка жалб этиш. 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ишлаб чиқилди ва унинг ижроси мунтазам назоратда.

Умуман, Давлатимиз раҳбарининг вилоятимиз иқтисодий салоҳиятини, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари асосида амалга оширилаётган кўламли ишларда вилоятимиз аёллари, хотин-қизлар фаол иштирок этишмоқда. Йилнинг ўтган олти ойида тадбиркор аёллар учун режадаги 15 миллион 998 минг ўринга 21 миллион 60 минг сўм кредит ажратилди. Натижада 1577 та янги иш ўринлари яратилди, рўйхатда олинган 4687 нафар ишсиз аёлларнинг 2114 нафари иш билан таъминланди.

Табиийки, бу ишлар бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилмоқда. Аввало, Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш зарур. Бу борада айтишга ариғулик ютуқларимиз бор. Хар йили ўтказилаётган "Аёллар спорт фестивали", "Аёллар спартакиадаси", "Отам, онам ва мен", "Спортимиз маликалари" каби танлов ва тадбирлар тўғрисида спортчи оила ва аёллар сафи кенгайди. Вилоятимиз "Йил аёллари", "Зулфия фототи номзодлари", "Энг фаол маслаҳатчи", "Энг фаол тадбиркор аёл", "Энг фаол ишбиланчилар хотин-қизлар ташкилот раислари" билан ҳақли равишда фахрланди. Қисқаси, аёлларимиз билан ўтказилаётган байрамолди тадбирлари ва учрашувлар шуни кўрсатдики, Истиклолимизнинг 22 йиллик шодияналари халқимизга беқиёс ғурур, ифтихор, келажакка умид ва ишонч бахш этмоқда. Аёлларимиз Ватанимизнинг энг нуфузли муқофотлари, унвонларига сазовор бўлаётгани эса, мамлакатимизда инсон қадрини улуғ аёллар, хотин-қизлар ҳурмати унданда бандан эканлигининг исботидир. **Сайёра ФАЙЗИЕВА, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

## Қўшалоқ байрамни нишонлаймиз дейишмоқда чинозлик янги уй соҳиблари

шади. Шунинг ўзи ишимизга берилган муносиб баҳо деб тушунаман. Бизда "Мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилади ишлашга йўл қўйилмайди. "Тошкент транс комму-

никация қурилиш" масъулияти чекланган жамияти ишчилари ҳам 14 та уй қуришга ваъда беришган. Қолган 10 та уйнинг қад ростлаши "Бахтиёр қурилиш" хусусий корхонасида-

гиларнинг зиммасида. Қурилиш майдонидagi махсус иш корхоналари ярашган йигитларнинг хатти-ҳаракатлари киши ҳавасини келтиради. Учта пудратчи корхона қурувчилари

мухташам ва мустаҳкам уй қуриш учун мусобақалашиб ишлашмоқда, десак хато бўлмайди. Улар кечую кундуз тиним билишмаяпти.

**СУРАТАА:** (чапдан) 33-кўчма механизациялашган колонна иш юритувчиси Ботир Исмаилов, уста Саъдулла Тошмурадов ва ишчи Сайфулла Муродов лойиҳада кўрсатилган яқуний ишлар ҳақида маслаҳатлашишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Даврон АХМАД олган сурат.

## Огоҳлик ХУШЁРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Оммавий ахборот воситалари жойларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларига оид янги-янги маълумотларни аҳолига пешма-пеш етказиб турибди. Тинч яшаётган бегуноҳдан қурбон бўлишяпти. Аҳолининг кундалик ҳаётини қўриқиб олишга ҳақли раҳна солиняпти. Бироқ, энг даҳшатлиси шуки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари фуқаролари бир-бирларидан қўрқадиган бўлиб қолишди. Террорчилар улур ўртасида ваҳима ва кўрқув уйғотишга муваффақ бўлаётилар. Зеро, бу уларнинг асосий мақсади.

Барча мамлакатларда терроризмга қарши кураш кучайиб бораёпти. Бу саъй-ҳаракатлар турли йўналиш ва услубларда олиб борилаётган бўлса-да, бироқ мақсад ягона. Ҳамма жойда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, кенг жамоатчилик ва алоҳида фуқаролар бутун ер шарига кенг ёйилган ушбу офатга қарши биргаликда курашишга интилоқдалар.

2010 йилнинг майида АҚШнинг Нью-Йорк ва Филадельфия шаҳарларида бўлдим. Биринчи кундан оқ, ушбу шаҳарларнинг хар бир фуқароси ўзлари сезган шубҳали кишилар, кўни-қўшилларнинг жамоатчилик тартибларига эид хатти-ҳаракатлари ҳамда бошқа қонунбузарликлар ҳақида полицияга хабар етказишни ўзларининг бурчлари деб билишлари яққол сезилди. Уларни ва уй-жойларини фақат шу йўл билан ҳимоя қила олишлари мумкинлиги аҳолининг ишончи қомил. (Давоми 4-бетда).

## СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАМИЗ

Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ташаббуси билан Кибрай тумани марказида "Ўзтелеком" савдо офиси очилди.

– Шу йилга келиб, офисларимизнинг сони 11 тага етди, – деди "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали раҳбари Мурод Хусанбоев. – Бундан қўзланган мақсад, телекоммуникациялар сифатини ошириш, хизматларга бўлган талабни қондириш ҳамда улардан фойдаланишда юқори даражада қулайликлар яратиш. Офисда ўрнатилган катта

ўлчамдаги видео мулоқот ёрдамида республика бўйича бир вақтинг узида 10 дан зиёд савдо офисининг очилиш маросимлари ўтказилди. Видео конференция ёрдамида ходимлар учун бир-бири билан бевосита алоқага чиқиш имкони туғилди. Улар биринчи иш кунини қандай бошлашгани, яратилган шарт-шароитларни видео лавҳаларда бема-

лол кузатиб туришди. – Бу ерда қибрайликлар учун уй телефони, юқори тезликдаги интернет, мобил алоқа хизматлари, интерактив телевидение ва бошқа барча замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этиш имкониятига эгамиз, – деди янги офис раҳбари Имомхусан Муродов. – Шу билан бирга, алоқа воситалари сотувини ҳам йўлга қўйдик. Аҳолига байрам тўғрисида сифатида 30 сентябргача маҳаллий телефон ҳамда интернет тармоғига бепул улашиш акцияси ўтказилмоқда. **Хуррият МЎМИНОВА.**

## Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида Зангиота туманидаги Назарбек қишлоғининг Форобий номли маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг янги биноси қурилиши бошлаб юборилди.

**АҲОЛИГА ТУҲФА**  
Бунинг учун давлат томонидан 21 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу кунларда қурилиш ишлари қизгин давом этаёпти. Маҳалла аҳолиси ҳам, саховатли тадбиркорлар ҳам бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишмоқдалар. Бино қурилишини икки ойла яқунлаш кўзда тутилган. Янги бинода маънавият хонаси, ота-оналар университети, тикувчилик, пазандачилик, тўқувчилик тўғрақларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. **Ўз мухбиримиз.**

Семинар

## ҒАЛЛАНИ ВАҚТИДА ЭККАН КАТТА ХИРМОН УЯДИ



Вилоят ҳокимлиги келгуси йил ҳосили учун уруғлик ғаллани эрта мuddатларда тез ва сифатли экиб олишни оқилонга ташкил этиш чора-тадбирларига бағишлаб Янгийўл туманида ташкил этган семинарда шу ҳақда сўз юритилиб, илгор фермер хўжалиқлари тажрибаси оммалаштирилди. Семинарнинг вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди. Ғаллакор фермерлар олдига бу йилги экиш мавсумини 15 октябрдан кечиктирмай якунлаш вазифаси қўйилди. Бўстонлик, Охан-

гарон, Паркент каби туманларнинг тоғли худудларида экишни 2 сентябрдан бошлаш қатъий топшириқ сифатида белгиланди. Чунки, чора-тадбирларга бағишлаб эрта пасайиб, тез совуқ тушиши мумкин. Уруғлик эрта мuddатларда тўлиқ ундириб олинмаса, қиш-қировли кунларга, бугдой майсаси кенг илдири отиб, қалин туллаб олмаса, тоғнинг қаттиқ совуғига бардош беролмайди, экиннинг муайян қисми нобуд бўлиб, гектарлар сийрақлашади ва оқибатда ҳосилнинг баракаси, хирмоннинг салмоғи



бўлмайди. Бу ғалли семинарида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча техника воситалари кўргазмаси ташкил этилган фермерлар учун айна мuddао бўлди. Вилоятнинг барча қишлоқ туманларидан келган фермерлар кўргазмага қўйилган техникаларнинг имконият-

лари билан атрофлича таништирилди. Айниқса, техникага эҳтиёжи борларга шунинг узида банк кредитлари ҳисобига харид қилиш учун шартномаларини расмийлантириш имконияти яратиб берилгани кўп фермер хўжалиқларига жуда кўл келди. – Яқинда Қуйи Чирчиқ

тумани Гул қишлоғи худудидан 200 гектар ер олиб, "Баракалла, Андижон!" фермер хўжалигини ташкил этдим, – деди Зулхумор Каримбердиева. – Андижон вилоятида кечган фермерлик фаолиятимдан биламанки, фермер ўзининг керакли техника воситаларига эга бўлмаса, жўн қилиб айтганда, иши ҳадеганда юриша-вермайди, экинига вақтида ишлов беролмайди. Хўжалигимиз янги бўлгани учун техника масаласи билан ҳозирдан оқойдил шуғулланишимиз, бор имкониятлардан самарали фойдаланишимиз керак. Тўғриси-ни айтсам, семинарда иштирок этишдан асосий мақсадим ҳам шу эди. Кўргазманинг узида харид билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлантириш имкониятидан фойдаланиб, экин майдонларини текислаш ва ҳайдашда яхши иш берадиган юқори қувватли техникага харидор бўлдим ва шартнома тузишга эришдим. **Самад ЙЎЛДОШ, СУРАТАЛАРА:** Зулхумор Каримбердиева; семинар иштирокчилари. **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР




# «TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

ЖАМОАСИ

ВИЛОЯТ АХОЛИСИНИ ОНА ВАТАНИМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИК  
ШОАЙЁНАСИ БИЛАН ЧИН ЮРАКДАН  
МУБОРАКБОД ЭТИБ, БАРЧАНИГ  
ХОНАДОНИГА ФАЙЗУ БАРАКА,  
ОИЛАСИГА ТОТУВЛИК ТИЛАЙДИ.



# «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI»



акциядорлик жамияти  
ватандошларимизни



ИСТИҚДОЛНИНГ  
22 ЙИЛЛИК ТЎЙИ

билан қизғин  
қутлайди.

Юртимиз тинч,  
маҳалларимиз обод бўлсин!  
Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб,  
Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати  
дунё бўйлаб таралаверсин!  
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Паркент тумани СИБ томонидан 06.10.2010 й. № 1-349-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. "Газ-5204" д.р. 10 А 786 ВА. Бошлангич баҳоси – 1 546 097,53 сўм. 2. Паркент тумани СИБ томонидан 21.09.2012 й. № 104/12/6028-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. "Ваз 21061" д.р. 01 W 937 FA. Бошлангич баҳоси – 2 244 012,16 сўм. Паркент тумани ХАТП 23-сонли автогараж. 3. Қўрай тумани СИБ томонидан 04.09.2009 й. № 10357/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1971 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 11 Y 2850. Бошлангич баҳоси – 226 033,2 сўм. 4. Қўрай тумани СИБ томонидан 09.04.2010 й. № 3531/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. "Газ-66" д.р. 11 W 6468. Бошлангич баҳоси – 2 219 157,9 сўм. 5. Қўрай тумани СИБ томонидан 07.01.2010 й. № 141/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. "Камаз 5511" д.р. 10 P 954 AA. Бошлангич баҳоси – 12 966 944,58 сўм. 6. Қўрай тумани СИБ томонидан 22.12.2008 й. № 9565/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. "Раф 2203" д.р. 11 T 1286. Бошлангич баҳоси – 462 321,9 сўм. 7. Қўрай тумани СИБ томонидан 26.04.2012 й. № 5782/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. "Доган" д.р. 01 K 336 EA. Бошлангич баҳоси – 3 342 840,5 сўм. 8. Қўрай тумани СИБ томонидан 09.04.2010 й. № 3540/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. "Газ 66" д.р. рақамсиз. Бошлангич баҳоси – 4 244 670 сўм. 9. Қўрай тумани СИБ томонидан 05.03.2009 й. № 4132-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. "М 408" д.р. 11 U 1047. Бошлангич баҳоси – 405 073,8 сўм. 10. Қўрай тумани СИБ томонидан 23.02.2009 й. № 3114/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. "Газ-2401" д.р. 30 D 3293. Бошлангич баҳоси – 464 724 сўм. 11. Қўрай тумани СИБ томонидан 17.05.2010 й. № 4697/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. "Камаз 5511" д.р. X 110 OCM. Бошлангич баҳоси – 13 559 982,3 сўм. 12. Қўрай тумани СИБ томонидан

17.12.2009 й. № 12400/8-сонли ижро ҳужжати асосан "Урал" д.р. 11 I 5796. Бошлангич баҳоси – 6 005 161,8 сўм. 13. Қўрай тумани СИБ томонидан 15.10.2009 й. № 10921/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. "Камаз 5320" д.р. 12 F 8529. Бошлангич баҳоси – 11 687 274 сўм. Қўрай тумани, "Аргин Савдо" УК омиборида сақланмоқда. 14. Қўрай тумани СИБ томонидан 09.02.2011 й. № 996-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 10 D 214 DA. Бошлангич баҳоси – 827 781,1 сўм. Қўрай тумани ИИБ ИХХБ омиборида сақланмоқда. 15. Қўрай тумани СИБ томонидан 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. "Уаз" д.р. 11 F 2438. Бошлангич баҳоси – 1 273 498,2 сўм. Қўрай тумани Оқ қавок қ.ф.й., Олимпар даҳаси 30-уйда сақланмоқда. 16. Қўрай тумани СИБ томонидан 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. "Камаз" д.р. 11 X 0082. Бошлангич баҳоси – 8 596 420,2 сўм. Қўрай тумани, Байтқўрган қ.ф.й., Тинчлик кўчаси, 27-уйда сақланмоқда. 17. Қўрай тумани СИБ томонидан 01.02.2012 й. № 1087/11-сонли ижро ҳужжати асосан "Вафли ва макарон" ишлаб чиқаруш ускунаси. Бошлангич баҳоси – 406 343 878,2 сўм. Қўрай тумани, "Қўрай нон", ИЧШ омиборида сақланмоқда. 18. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. "Ваз-2101" д.р. 11 A 0487. Бошлангич баҳоси – 542 659 сўм. 19. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. "Газ-2417" д.р. 11 M 0152. Бошлангич баҳоси – 873 864 сўм. 20. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 11 Z 8304. Бошлангич баҳоси – 485 207 сўм. 21. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 13.11.2012 й. № 1-257-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 10 X 213 AA. Бошлангич баҳоси – 682 045 сўм. Бўстонлик тумани, Ҳазалкент 2, "Мариам Тек-

стил Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. 22. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. "Ваз 2105" д.р. 11 G 2126. Бошлангич баҳоси – 1 914 832 сўм. 22. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 06.10.2011 й. № 10376-сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. "Ваз 2102" д.р. 11 T 7056. Бошлангич баҳоси – 1 247 281,70 сўм. 23. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 03.05.2011 й. № 3946/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. и.ч. "М-412" д.р. 11 N 9038. Бошлангич баҳоси – 541 574,10 сўм. Ангрэн шаҳар 29 автокорхона майдонида сақланмоқда. 24. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 10.12.2010 й. № 19624/10-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. "Камаз 5320" д.р. 11 A 6717. Бошлангич баҳоси – 10 723 350,70 сўм. Ангрэн шаҳар ИИБ ИХХБ майдонида сақланмоқда. 25. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 02.11.2010 й. № 14057/10-сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. "ИЖ" д.р. 10 L 975 AA. Бошлангич баҳоси – 839 359,82 сўм. Ангрэн шаҳар ИИБ майдонида сақланмоқда. 26. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. и.ч. "ДТ-75" д.р. сиз. Бошлангич баҳоси – 3 851 764 сўм. Зафар Курилиш Инвест МЧЖ омиборида сақланмоқда. 27. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 08.07.2013 й. № 8833-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 10 N 623 BA. Бошлангич баҳоси – 6 427 000 сўм. 28. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжати асосан 1969 й. и.ч. "Газ-21" д.р. K3894T11. Бошлангич баҳоси – 331 946 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омиборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 29. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 25.06.2013 й. № 54406-07/2013-сонли ижро ҳужжати асосан 2011 й. и.ч. "Нексия Сонс" д.р. 10 S 063 KA. Бошлангич баҳоси – 28 000 000 сўм. 30. Юнусобод тумани СИБ томонидан 04.12.2012 й. № 23699/10-сонли ижро ҳужжати асосан 2002 й. и.ч.

"Дамас" д.р. 01 147 PBA. Бошлангич баҳоси – 19 405 000 сўм. 31. Юнусобод тумани СИБ томонидан 04.12.2012 й. № 23699/10-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. "Газ 2752-314" д.р. 01 148 PBA. Бошлангич баҳоси – 27 790 000 сўм. 32. Бўқа тумани СИБ томонидан 28.05.2013 й. № 4147/17-сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. "Лада 11183-114-30" д.р. 10 501 UAA. Бошлангич баҳоси – 15 137 000 сўм. 33. Бўқа тумани СИБ томонидан 22.09.2009 й. № 5579/4-сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. и.ч. "Ваз 21070-120-21" д.р. 10 078 QAA. Бошлангич баҳоси – 13 718 000 сўм. Бўқа тумани ДСИ биносида сақланмоқда. 34. Бўқа тумани СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7439-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. "Ваз 21091" д.р. 10 L 641 FA. Бошлангич баҳоси – 7 417 046,60 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истиади бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО 00425, СТИР 301829804. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қиймати 5 банк кунини мобайнида тўлалигига тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Ҳуқуқхона № 004593.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжати асосан Бекобод шаҳар, 3-даха, 5-уй, 4-хонадон. Бошлангич баҳоси – 21 637 247 сўм. 2. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 1-423-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, "Хумсон" қ.ф.й. "Қизил Чорва" кишлоғида жойлашган дала ховли. Бошлангич баҳоси – 303 490 416 сўм. 3. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 9304-сонли ижро ҳужжати асосан Чирчиқ шаҳар, Чирчиқ 50 йиллиги проспектида жойлашган бино-иншоот. Бошлангич баҳоси – 1 771 316 100 сўм. 4. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 10177-сонли ижро ҳужжати асосан Чирчиқ шаҳар, 4-кичиқ ноҳия, 30-уйда жойлашган савдо дўкони. Бошлангич баҳоси – 100 000 000 сўм. 5. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 09.03.2012 й. № 3883-сонли ижро ҳужжати асосан Олмалик шаҳри, А. Темура кўчаси, 20-манзилида жойлашган Ўзбекистон кинотеатри. Бошлангич баҳоси – 661 074 179 сўм. 6. Қўрай тумани СИБ томонидан 18.02.2011 й. № 11-1131/28588-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Байтқўрган қ.ф.й. худудида жойлашган омиборхона-иншоотлар. Бошлангич баҳоси – 345 590 509,38 сўм. 7. Қўрай тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 4040/8-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Қўрай қ.ф.й., Миршарофов кўчаси, 6-уй. Бошлангич баҳоси – 155 972 050,2 сўм. 8. Қўрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4912-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й., Узузмор маҳалласидаги савдо дўконлари. Бошлангич баҳоси – 97 999 437 сўм. 9. Қўрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4911-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й., Вир Ботаника, 1-уй, 25-хона. Бошлангич баҳоси – 33 352 065 сўм. 10. Қўрай тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 18281-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Қўрай ш.ф.й., Гулзор кўчаси, 49-уй. Бошлангич баҳоси – 573 155 278,2 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истиади бўлган талабгорлар мулкнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қиймати 5 банк кунини мобайнида тўлалигига тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Яккасарой туман инспекцияси томонидан 2009 йил 14 январда № 004296-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "USMON NOSIR KOMMUNAL SERVIS" (ИНН 206987004) уй-жой мулкдорларининг ширкатига тегишли бўлган гувоҳнома йўқолигани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар кенгаши хузуридаги "TOSHKENT AVTOMOTONAVASKORLAR" шўъба корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.** Таклиф ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомиди қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ТСРҮЙ томонидан 10.03.2010 йилда № 005561-10 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "RENT INVEST PLUS" (ИНН 301534308, ОКПО 83200) МЧЖ таъсисчининг қарорига кўра ихтиёрий **ТУГАТИЛАДИ.** Давомиди эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомиди Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-квартал, 7-уй, 46-хонадон манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамаза тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "ZEROMILLER" МЧЖнинг устав жамғармаси 61 300 000 сўмдан 7 500 000 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: (+99871) 267-29-16.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган "OLIMJON OBIDOV" хусусий корпорациясининг ташкилий ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарилишини маълум қилади. Маълумотлар Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Қаҳҳор кўчаси, 56-А уй манзили бўйича қабул қилинади.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган "GREAT TRAVEL SERVICE" МЧЖнинг устав жамғармаси 66 064 764 сўмдан 33 032 382 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 345-33-45.

Семейное предприятие "SARDOR NUR BIZNES" (ИНН 302588793), зарегистрированное ИПСП хокимията Сергелийский района г. Ташкента за реестр. № 003833-06 от 24.04.2013, расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, 3-й массив, торговые ряды, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 3 от 30.08.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО "AVA-TEN" (ИНН 201177683, ОКОНХ 19400), зарегистрированное ИПСП Чиланзарского района г. Ташкента за реестр. № 08-000945 от 23.07.2012г., сообщает об уменьшении уставного фонда с 224 463 169,25 (двести двадцать четыре миллиона четыреста шестьдесят три тысячи сто шестьдесят девять) сум 25 тийин до 26 620 000 (двадцать шесть миллионов шестьсот двадцать тысяч) сум.

Претензии принимаются в течение одного месяца по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, проспект улицы Бунедкор, квартал "Е", дом-9. Тел.: (+99871) 277-38-46.

ИП ООО "BAYTEKS TICARET" (ИНН 205256431), зарегистрированное Министрством Юстиции РУз за № 364 от 27 октября 2004 года, расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Широқ, 104-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 98 от 29.08.2013г.). Претензии кредиторов принимаются до 30 ноября 2013 года.

СП ООО "SANGZOR PLASTICS" (ИНН 300957604) сообщает об уменьшении уставного фонда с 769 230,80 долл. США до 437 932,64 долл. США. Тел.: (+99893) 384-24-27.

Бектемир тумани ТСРҮЙ томонидан 2011 йил 18 январда № 02-169 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BOBIR-JAXON SAVDO SERVIS" (ИНН 202863028) хусусий корпорациясининг ташкилий ҳуқуқий шакли "BOBIR-JAXON SAVDO SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади. Давомиди эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомиди Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Нурафшон кўчаси, 10-уй манзили бўйича қабул қилинади.

«АНГРЕН ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ» ОАЖ

истиқлол, эркинлик нашиндасини суриб меҳнат қилаётган ватандошларимизни энг улуг, энг азиз байрам —

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги

билан самимий кутлайди!



Кўргазма

Ўзбекистон бадий академияси марказий кўргазмалар залида Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ва Обод турмуш йилга бағишланган "Кадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида санъат усталари асарларининг кўргазмаси очилди.

МЎЙҚАЛАМНИНГ МАФТУНКОР КУЧИ

Кўргазмадан турли авлод вакиллари ҳамда ёш рассомларнинг 250 дан ортиқ рангтавир, графика, хайкалтарошлик, амалий санъат асарлари ўрин олган. Экспозицияга қўйилган ижод намуналарида юртимиз табиати манзаралари, шаҳар ва қишлоқлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, йил фасллари, оила ва турмуш тарзининг айрим қирралари, мултос бадий асарлардаги инсон шиймолари, кеча ва кундуннинг турли дақиқалари, ижодкорлар фаолиятидан лавҳалар, маданиятимиз арбоблари портретлари ёрқин бўёқларда меҳр билан ифода этилган.

Кўргазмадаги Тошкент вилояти табиатининг гузал манзаралари акс этган "Чорвоқ", "Чимёнда баҳор", "Эрта баҳор" (рассом Р. Худойбергенов), "Оқтош тонги", "Биллур куз", "Бўстонлик" (В. Трошина), "Чорвоқда тонг" (Х. Мирзахмедов), "Хумсондаги таштил" (Х. Сидиков), "Чорвоқ" (В. Чуб), "Наъна" (Р. Гаглоева), "Сўқоқ манзараси" (Ф. Бекмуродова), "Хумсон" (Х. Гулмираева), "Асровчи" (А. Маматова) каби санъат асарлари томошабинни мулоҳазага чорлайди.

Кўргазма 16 сентябрьгача давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Кўз очган булоқ

ҚОШУ ҚАБОҚ УСТИДА

Дунёнинг энг нозик ҳилқати — жон. У доимо омонат, гўё қафта тургандек. Шунинг учун инсон уни авайлаб, ардоқлайди. Лекин, шундай жонлар борки, у Ватан учун, юрт учун уриб туради. Паркентлик шоира (у албатта бу номга муносиб) Камоланнинг юраги ҳам қошу қабоқ устида, аммо азиз Ватан ишқиде, яхши одамлар ардонда уриб турибди. Унинг ҳар бир ури-

"Камола анчадан бери шеър ёзади, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, шоир Муҳиддин Омон. — Камоланиннг ёзганларида бир ўктамлик бор. Бу шеърлар ҳассос туйғуларга лиммо-лим, орзу-умидлари мавжланган турган кўнгилнинг чин изҳорлари, самимий розларидир..."

Ҳақиқатан ҳам, тирикликнинг бор неъматларидан баҳраманд, аммо унинг ҳикматини англаб етмайдиган, Ватан қадрини ҳис этмайдиган айрим кўнгил кўзи басрлар учун сабоқ, ибрат бўла оладиган ҳаёт фалсафаси мужассам сатрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди:

ВАТАН

Тонгда ювиб майса юзини, Кунга боқиб очади чирой. Қароғида Ватани уни Она замин — энг муқаррам жой.

Қушлар куйлар, уйғонар замин, Тинч осмонда парвози баланд Кўринг! Тикан ошёндин тайин, Боги эрам чикора харчанд.

Чумолиннинг меҳрини кўриб, Юрак завққа тўлади бисёр. Қаранг! Қаранг, ҳавасга тўлиб, Ўз Ватани — инида хушёр.

Ёввойидир тоғдаги оху, Бирок тошнинг тафти — жониди. Сезинг! Ватан ўчоғи ёхуд Баҳш ўрта куч, шуур қониди.

Мозий эътимас маёқ деб биттан, Мангу сўнмас соловдин Ватан. Эсланг, Юрта жонини тиккан Широқ тутган яловдир

Ватан. Камоланиннг жонидан азиз Ватани ҳақидаги шеърлари қаторида ота-она, дўст-ёр, табиат, ҳайвонот ва наботот оламига меҳр-муҳаббат каби самимий туйғулар ифодаланган

сатрлари ҳам бисёр. Қисқаси, ёруғ олам, бебаҳо ҳаёт неъматларини севши ва ардоқлашга ундовчи дил изҳорлари, қалб нидоси ҳар қандай шеърхонни, аввало зийрак, зукко ўқувчини бефарқ қолдирмаслиги, эзгулик, шукроналикка чорлаши тайин.

БОТМА, ҚУЁШ!

Қуёш ўраб алвон рўмолин, Шафақ шошар тун кузурига. Шошма, қуёш, бордир хуморим, Лов-лов ёнган кун сурурига...

Сенга ошқ бепоеён осмон, Муҳаббати — ноёб дурдона. Бир зум тўхта, қолмасин армон, Чўғларингдан куйдим урёна.

Кўз узмасдан ботишинг қутиб, Юракларинг тўла сафоси. Ахир ўтган кунни унутиб, Яна қайтар кун ибтидоси. Узқолларга чорлаб қолсан,



Узилади охириги шуъланг. Тонг сахарда порлаб қолсан, Жилваланар нурунги ранг-баранг.

Шошма қуёш, бордир хуморим...

Хуллас, ҳеч кимнинг қуёши бевақт ботмасин. Камоланнинг ижоди бунданда гуллаб-яшнасин, камолга етсин, ўзи таъкидлаганидек, ҳаётга садоқатдан "бир нури из" қолсин!

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



ЕРГА ҲАЁТ МАРСДАН КЕЛГАНМИ?

Синтетик биология бўйича мутахассис, геохимик олим Стивен Беннер Ўтмишда Марс сайёрасида ҳаёт пайдо бўлиши учун Ер сайёрасидаги нисбатан анча қулай шароитлар мавжуд бўлган деган фикрни илгари сурди.

Унинг тахминича, дастлаб ҳаёт айнан қизил сайёрада пайдо бўлиб, сўнг метеоритлардан бири орқали Ерга ўтган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Иккита биотехнологик компания асосчиси бўлган олим ўзининг ушбу гоёсига кўплаб далиллар келтирмоқда. У эътиборни ҳаёт пайдо бўлаётган даврда Ер шари сув билан деярли бутунлай қопланган эканлигига қаратди. Қуруқликда обдон қизиган органик моддалар охир-оқибат нефть ёки битумга айланиши мумкин. Тадқиқотчи шу фикри орқали қуруқ сайёра ҳисобланувчи Марсада ҳаёт пайдо бўлиши учун энг қулай шароит мавжудлиги эҳтимолдан ҳоли эмаслигини исботламоқчи.

БРАЗИЛИЯДА ЧИРОҚ ТЕЗ-ТЕЗ ЎЧАЯПТИ

Бразилиянинг шимоли-шарқидидаги 8 та штатда аҳоли чироқсиз қолгани ҳақида хабар тарқатди АФР агентлиги.

Электр қуввати узлиб қолганининг сабаби ҳали аниқлангани йўқ. Бирок, миллий энергетика компанияси ходимлари вазият аста-секин яхшиланаётганини таъкидлашмоқда. Футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўйинлари бошланишига бир йилдан кам вақт қолганида электр қуввати таъминотидаги бундай оммавий узлишлар кўпчилики ташвишга солмоқда. Зеро, 10 минглаб бразилияликларни чироқсиз қолдираётган бундай кўнгилсиз ҳолатлар кейинги йилларда тез-тез содир бўлиб турибди.

Аслида, мамлакатнинг кўплаб аҳолиси бундай ҳалқаро мусобақаларни ўтказишга хайрихоҳлик билдирмайди. Жумладан, шу йил июнь ойида Бразилияда ўтказилган Конфедерация кубоги мусобақалари жараёнида минглаб бразилияликлар бир қатор шаҳарларда норозилик намойишини уштуриди. Ҳатто, ФИФА президенти Йозеф Блаттер ҳам айтдики, 2014 йилги Жаҳон чемпионати меъбори сифатида Бразилия танлангани хато бўлган экан. Уша оммавий норозилик акциялари Блаттернинг шундай фикрга келишига сабаб бўлди.

СОБИҚ КАНЦЛЕРНИНГ ХАТОСИ

Германиянинг ҳозирги канцлери Ангела Меркелнинг ишонч қилмиши, 2001 йилда Грецияни Европа Иттифоқи таркибига киришига рухсат берилгани эндиликда кўпгина муаммоларга сабаб бўлапти.

Меркелнинг айтишича, ўзидан олдинги канцлер Герхард Шрёдер Грециянинг Европа Иттифоқида қўшилишига йўл қўйиб бериб, катта хато қилди ва бу ҳозирги иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётган асосий сабаблардан бири бўлди. Канцлернинг фикрини оддий сайловчилар ҳам маъқуллашмоқда. Ўтказилган сўров натижаларига қараганда, немиш аҳолисининг 41 фоизи айнан Меркель етакчилик қилаётган христиан демократлар блокни қўллаб-қувватламоқда.

Германиядаги парламент сайловлари 22 сентябрда бўлиб ўтади.

ЭКС-ПРЕЗИДЕНТ СУДДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Германиянинг собиқ президенти Кристиан Вульф "Октоберфест" фестивали чоғида 1000 евролик "совга-салом" олгани учун суд олдида жавоб берадиган бўлди.

Бу кўнгилсиз воқеа Вульф истаёғига чиқиб кетгандан сўнг 18 ой ўтган юз берди. Бирок, унинг зиммасига қўйилган айблов у Қўйи Саксония федерал ерида бош вазир вазифасини бажариб турган даврга тўғри келади. 2008 йилда Вульф рафиқаси билан Мюнхенда ўтказилган "Октоберфест" пиво фестивалига ташир буюрди. Уларнинг ушбу таширфини эса кинопродюсер Дэвид Грөнволд молиявий жиҳатдан қўллади. Дарвоқеа, ИТАР-ТАСС агентлигининг хабарига қараганда, Грөнволд ҳам энди шу иш учун суд олдида жавоб беради. Айтилишича, кинопродюсер ўша фестивал чоғида Вульфдан кинопроектларидан бирини қўллаб юборишни илтимос қилган. Вульф ҳам бу илтимосни ерда қолдирмади. Прокуратура собиқ президентга кўрсатилган жами молиявий ёрдам 1000 евро атрофида эканлигини аниқлади. Ушбу иш юзасидан суд жараёни 1 ноябрда бошланади. Агар Вульфнинг айби исботланса, у 3 йил муддатга қамоқ жазосига ёки жаримага ҳукм қилиниши мумкин.

Гап шундаки, Қўйи Саксониянинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳукумат вазирлари қимматбаҳо совгаларни федераль ер мулки сифатида топширишлари, ўзларига эса фақат қиймати 10 евродан ошмайдиган совгаларнигина олишлари мумкин.

ҚОТИЛ ҚАТЛАГА ҲУҚМ ҚИЛИНДИ

Америкалик ҳарбий хизматчи — майор Нидал Ҳасан ҳарбий базалардан бирида 13 кишини отиб ўлдиргани учун ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Келиб чиқиси фаластинлик бўлган ҳарбий врач-руҳшунос, майор Нидал Ҳасан 2009 йилнинг ноябрда Техас штатидаги Форт-Худ ҳарбий базасида ўқ узиб, 13 кишини ўлдирди ва 31 кишини ярадор қилди. Бу Америка ҳарбий базалари ҳудудида содир этилган энг қонли воқеа сифатида тарихга кирадиган бўлди. Қўлга олиш чоғида қотил бир неча еридан яраланди ва шол бўлиб қолди. Энди у ноғирлар аравасидан фойдаланишга мажбур.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Огоҳлик

ҲУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Бунга мисоллар кўп. Жумладан, 1995 йилда Оклахома-Сити шаҳрида террорчилар уюштирган портлаш оқибатида юздан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу гаразли акт аввалдан пухта ўйлаб тайёрланган бўлсада, у тезда очилди. Чунки, жиноятчининг ўғли отаси қандайдир портловчи ускуналар ясаётгани ҳақида полицияга хабар етказган эди.

Яна бир мисол. Испания пойтахти Мадрид шаҳрида террорчилар содир этган қонли қирчоқ чоғида 190 дан зиёд киши ҳалок бўлди. Аммо, воқеага гувоҳ бўлганлар етказган хабар сабабли жиноятчилар тезда топилди ва йўқ қилинди.

Шу, бизда қандай? Фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасида шундай муносабатлар ўрнатилганми?

Ҳеч кимга сир эмаски, кўпгина фуқароларимиз "мен сенга тегмай, сен менга тегма" ёки "хеч нарса кўрмадим, ҳеч нарса эшитмадим, ҳеч нарса билмайман" қабилида (Давоми. Боши 1-бетда).

яшамоқдалар. Оқибатда айрим кўп қаватли уйларнинг хонадонлари жиноятчи, безори ҳамда қамоқдан янги бўшаб келган, аммо тавба-сига таянмаган, шунингдек, қаердан пайдо бўлган номалум шубҳали шахслар учун яширин бошпаналарга айланмоқда. Шу хонадонлар билан ёнма-ён яшаётганлар эса, одатда лол-мум демайдилар, фақат жиноят содир этилиб бўлгандан сўнггина милицияга мурожаат қиладилар ва шу тариха ўзлари ҳам жабр кўрадилар.

Ўйлайманки, фуқароларнинг лоқайдлиги билан фуқаролик мажбурияти ва масъулияти ўрин алмашадиган вақт келди. Бизнинг умумий уйимиз — мамлакатимизда тинчликни, оммавий тартиб ва осойишталикни сақлаш учун ҳам шундай қилиш зарур. Эндиликда у ёки бу уйда пайдо бўлган хавфли кимсалар ҳақида милицияга хабар етказиш атрофдаги одамлар ҳаётини сақлаб қолиш эканини тушуниб етиш ва бошқаларга ҳам тушунтириш лозим. Зеро, ўша атрофдаги кишилар орасида ҳар биримизнинг дўстларимиз, қарин-

дош-уруғларимиз ва ниҳоят, ўзимизнинг болаларимиз ҳамда невараларимиз бор.

Бутун дунёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз фаолиятида кўнгилли ёрдамчилар кўмагига таянади. Зеро, уларнинг ёрдамисиз ким, қаерда ва қачон жиноят содир этмоқчи бўлаётганини ўз вақтида аниқлаш қийин. Биз телевидение орқали тезкор ходимларнинг айнан ўз юртдошларига қарши қотиллик хатти-ҳаракатига қўл урмоқчи бўлаётган бир гуруҳ жиноятчиларни қўлга олаётганларини кўриб, бу ҳақда кўнгилли ёрдамчилар ва қуюнчак фуқаролар уларга маълумот етказганларини таҳмин қиламас. Эътироф этиш керакики, милицияга вақтида хабар етказётган жонқуяр фуқаролар бу хайрли ишлари билан ўз ҳаётларини хавф остига қўядилар. Шундай экан, уларни "чақимчи" деб аташга ҳеч кимнинг тили бормайди, албатта.

Эзгулик, раҳмдиллик ўзбек халқида хос хислатлардир. Иккинчи жаҳон уруши даврида минглаб қочоқлар айнан Ўзбекистонга ин-

тиланлари бежиз эмас. Улар бизнинг одамларимиз нафақат бошпана беришлари, балки кўлларидаги сўнги бурда наҳларини ҳам бўлишиб ейишга тайёр эканлигини яхши билишарди. Афсуски, ўзларининг гаразли мақсадларига эришиш учун ҳеч қандай қабихликдан қайтмайдиган террорчи унсурлар ҳалқимизнинг айнан шу бағрикенглик, чин эътиқод ва нияти холисликдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар. Шу боис, бугунги кунда ҳар биримиз миллий анъаналаримизни, урф-одатларимизни ва бир-биримизга нисбатан меҳр-оқибатни давом эттирган ҳолда хушёр бўлишимиз, атрофга доимо зийрак боқилишимиз, бирор шубҳали ҳолатни қузатмас, дарҳол милицияга хабар етказишдан қўрқмаслигимиз ва улмаслигимиз зарур. Зеро, эндиликда ҳар бир маҳалла, ҳар бир тураржой даҳаларида милиция таянч пункти мавжуд. Унутмаслигимиз керакики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишлаётган ва ўз хизмат бурчалари юзасидан бизларни ҳимоя

Table with contact information for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including address, phone numbers, and website.